



Умида ТЕШАБАЕВА,  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР – СОҶА РИВОЖИ УЧУН

*This article tells about the professional training of specialists of the National Library of Uzbekistan and information library centers of Uzbekistan in the Republic of Turkey in May 2018, organized by the National Library of Uzbekistan and the National Library of Turkey as part of the Memorandum of Cooperation between the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi and the National Library of Turkey, signed on October 25, 2017.*

*During the visit to Turkey, the specialists visited leading information and library institutions in Turkey and met with management and specialists to exchange experience and improve relations with Turkish libraries. This article explores new opportunities for the cooperation of information and library institutions of Uzbekistan with the libraries of Turkey, which were opened to specialists through this internship.*

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 2011 йилда янги бинога кўчиб ўтиши билан унинг тарихида ҳам янги саҳифалар очилди десак, муболаға бўлмайди. Чунки шундан бошлаб фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш янги даражага кўтарилди.

Агар авваллари китобхонларнинг талаблари анъанавий хизмат кўрсатиш турлари билан кониктирилган бўлса, ҳозирда хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва турлари татбиқ қилинган. Эндиликда китобхонлар кутубхона фондларидаги ўзларига керакли бўлган ахборот-кутубхона ресурсларини масофадан туриб буюртма бериш, олиш, очик ресурсларни юклаб олиш, шунингдек, мавжуд хорижий-илмий таълимий маълумотлар

базаларидан (EBSCOhost, ЭБД РГБ) ҳамда кутубхона коллекцияларини ўзида жамлаган маълумотлар базаларидан (nodir.natlib.uz, dis.natlib.uz, press.natlib.uz, stat.natlib.uz), кўшимча хизмат турларидан (турли масштабларда сканерлаш, нусха кўчириш, чоп этиш, библиография тузиш ва бошқалар) фойдаланиш икониятига эга бўлдилар. Эндиликда улар кутубхонада ташкил қилинадиган кўплаб тадбирларда факат томошабин бўлиб эмас, ўзи ҳам иштирок этиши, кутубхона ҳаётини ижтимоий тармоқ ва мессенжерларда (facebook.com/NationalLibraryOfUzbekistan, ttps://www.youtube.com/user/natlibuz instagram.com/natlib\_uz\_official, https://t.me/natlibuz ) кузатиб бориши ва яна катор кўшимча хизматлардан



фойдаланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Кутубхонада янги давр бошлангани, соҳа бўйича қўйилган талабларнинг ортгани кутубхоначилар ишга ноанъанавий ёндашув ва қарашларни татбиқ қилишни, замонга ҳамнафас кадам ташлашни, ўз билим ва кўникмаларини доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Бунинг уддасидан чиқиш учун кутубхоначилар малакасини ошириш зарурлиги туфайли 2012 йилдаёқ ҳукуратимиз томонидан малака ошириш ўқув-стажировкаси уюштирилди. Биринчи малака ошириш Германия кутубхоналари фаолиятини яқиндан ўрганиш билан бошланган бўлса, ўтган давр мобайнида Миллий кутубхона мутахассислари Корея, Россия, Чехия Миллий кутубхоналарида ўз билим ва кўникмаларини ошириб, тажриба алмашишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 25–26 октябрь кунлари Туркияга амалга оширган давлат ташрифи Ўзбекистон билан ушбу мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм, транспорт, логистика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришда муҳим тарихий воқеа бўлди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Туркия Миллий кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Туркия Маданият ва туризм вазирлиги томонидан имзоланди. Таъкидлаш жоизки, Туркия Республикаси Ўзбекистон ташқи сиёсатида алоҳида ўринга эга бўлган ўзига хос мамлакат ҳисобланади. Буни куйидаги бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидин, ушбу мамлакат дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатлар ичида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган ва шу



тарихи унинг дунё харитасида янги давлат сифатида эътироф этилиши жараёнини бошлаб берган мамлакат ҳисобланади. Иккинчидан, ўзбек ва турк халқларини азалий дўстлик, биродарлик ва қардошлиқ ришталари ўзаро боғлаб туради. Ҳар икки халқ ҳам туркий тилда сўзлашувчи халқлар бўлиб, уларнинг маданияти, дини ва урф-одатлари бир-бирига жуда яқин.

Туркия Республикаси Осиё ва Европа китъалари кесишган нуқтада жойлашган мамлакат бўлиб, маъмурий-худудий тузилишига кўра унитар давлат, бошқарув шаклига кўра эса президент-парламент типига аралаш республика ҳисобланади. Конституцияга мувофиқ Туркия Республикаси демократик, дунёвий ва социал-ҳуқуқий давлат бўлса-да, аҳолисининг деярли 95 фоизини ислом динига эътиқод қилувчилар ташкил қилгани боис, бу ерда ислом динига нисбатан ҳурмат-эҳтиром анча юқори.

Туркия худуди расман иль деб юритиладиган 81 та вилоятга ажратилган бўлиб, ҳар бир иль ўз навбатида туманларга бўлинади. Ҳозирда 923 та туман мавжуд. Туркия хийла ривожланган мамлакат бўлиб, ўзининг иқтисодий қудратига кўра у дунёда кучли 20 талик гуруҳига кирувчи давлатлардан биридир.

Кутубхоналаримиз ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми доирасида жорий йилнинг 7–12 май кунлари 10 нафар Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва вилоят ахборот-кутубхона марказлари мутахассисларидан иборат гуруҳ Анкара шаҳридаги Туркия Миллий кутубхонаси ва шаҳар кутубхоналари фаолиятини яқиндан ўргандилар. Ушбу ўқув-стажировкаси Туркия Ҳамкорлик ва Мувофиқлаштириш ташкилоти томонидан ташкил қилинди.

Анкарадаги кутубхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш, кутубхоначилик соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, кутубхонанинг

ривожланиш стратегияси, меъёрий-хукукий базаси, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишдаги инновацион ёндашувлар, фойдаланувчилар ва ходимларга кутубхона ҳудудларида яратилган имкониятлар, давлат томонидан кутубхоналар жамғармасини тўлдиришга ажратилаётган маблағларнинг тақсимланиши, барча тоифадаги китобхонларга масофадан туриб кўрсатилаётган интерактив хизматлар, ахборот-кутубхона ресурслари турларининг хилма-хиллиги ва уларни сақлаш шароитлари, библиография соҳасида қўлга киритилган ютуқлари ўрганилди.

Беш кунлик малака ошириш ўқув-стажировкаси доирасида Туркия Миллий кутубхонаси, Анқара шаҳридаги Билкент университети кутубхонаси, Жебежи халқ кутубхонаси, Мехмет Акиф Эрсой адабиёт-музей кутубхонасига ташриф буюрилди.

Туркия Миллий кутубхонасининг фаолияти яқиндан ўрганилганда маълум бўлдики, бу ерда кутубхоначилик жараёнларининг барчаси автоматлаштирилган ва Миллий кутубхона мутахассислари томонидан яратилган миллий автоматлаштирилган ахборот-кутубхона дастури “Кашиф” ёрдамида ([www.kasif.mkutub.gov.tr](http://www.kasif.mkutub.gov.tr)) китобхонларга юқори даражада хизмат кўрсатилади.

Кутубхона фондларини жамлаш бўлими Материалларни тўплаш бўлими деб аталар экан. Бўлимда юқори малакали мутахассислардан иборат комиссия ташкил қилинган бўлиб, фонд шу комиссиянинг фикрига кўра тўлдирилади. Бир номдаги китобдан 3 нусха олинади. 2017 йилда ўртача 65–70 минг китоб кутубхона фондига келиб тушган. Бир йилда фондларни тўлдириш учун 8 миллиард турк лирасида маблағ ажратилган бўлиб, 4734-сон Қонунига кўра аҳолидан ҳам китоб сотиб олиш тажрибаси бор экан. Фондларни тўлдириш худди биздагидек, яъни мажбурий



нусха, сотиб олиш, ҳаёда, айирбошлаш ва бошқа усулларда амалга оширилади. Бўлимда нархлаш комиссияси ҳам бўлиб, кутубхонага совға, ҳаёда қилинган китоблар нархланади, яъни ҳар бир китобга (нодир нашрлардан ташқари) 0,01 тийин нарх белгиланади ва фондга кирим қилинади.

Ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштириш ишларида англо-америка таснифлаш жадвали ISR (RDR) – 2 қўлланилади. Ушбу классификация жадвали тўлиқ турк тилига таржима қилинган. Бир йилда 127 мингдан зиёд ахборот-кутубхона ресурслари каталоглаштирилган бўлиб, ресурсларни каталоглаштириш бўйича ходимларга ҳеч қандай вақт меъёрлари белгиланмаган. Мутахассисларнинг айтишича, китобларнинг турига, каталоглаштиришнинг содда ёки мураккаблигига қараб ишлар олиб борилади. Бўлимда 24 та мутахассис ишлайди, лекин ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштириш жараёнига (бир йилда ўртача 120–130 минг ресурс каталоглаштирилади) тендер асосида ёлланган ходимлар ишга қабул қилинади. 1992 йилдан анъанавий каталогни юритиш тўхтатилган, фақат электрон каталог шакллантирилади. Китоблар форматлар бўйича ажратилади: А,В,Д ва бошқалар. Ҳар бир формат учун меъёрлар мавжуд ва у бўлимда қабул қилинган йўриқномада ўз аксини топган.

Кутубхона фондига келиб тушадиган барча газета ва журналлар тўлиқ рақамлаштирилади. Мажбурий нусха асосида Туркиянинг 81 вилоятдан келадиган газета ва журналларининг босма шакли китобхонга умуман берилмайди. Рақамлаштириш жараёни тугагандан сўнг, вақтли матбуот нашрлари библиография бўлимига





топширилади. Библиография барча ресурсларни ўрганиб чиққанидан сўнг, Саклаш бўлимига топширилади. Газета ва журналлар кутубхонада ички қабул қилинган йўриқномага асосан муковалашга тайёрланади. Бунда газеталар маълум бир қалинликда, ҳажмининг катта-кичиклигига қараб жилдланади. 2015 йилгача бўлган газета ва журналлар тўлиқ рақамлаштирилган бўлиб, китобхон фақат уларнинг электрон шаклидан фойдаланиши мумкин. Саклаш бўлими китобхонларга муковаланган журналларни (6 тагача) уйга ҳам беради. Булар 2015 йилдан кейинги нашрлар ҳисобланади. Журналлар ҳажмига қараб фондларга жойлаштирилади. Масалан, баландлиги 24 см журналлар – СА, 35 см – ЕД ва бошқалар.

Кутубхонада сақланаётган ахборот-кутубхона ресурслари 33 турда бўлиб, жумладан: китоб, газета, журнал, диссертация, микрофиш, микроформа, атлас, карта, фотоальбом, нота, грампластинка, откритка, таквим, фото-расм, пленка негативлари, афиша, плакат, коғоз ва танга пуллар, таклифномалар, лотерея, кино ва театр анжомлари, марка ва бошқалар. Барчасининг саклаш шароитлари жаҳон стандартлари талаблари даражасида. Фонддаги ресурслардан мамлакат миқёсида ташкил қилинадиган турли тадбирлар, кўргазмаларда кенг фойдаланилади. Барча ресурслар рақамлаштирилган ва китобхон фойдаланиши учун очик.

Кутубхонадаги ахборот-кутубхона ресурсларининг аудио шаклини яратиш ва китобхонга кутубхонада ва масофадан туриб тақдим этишда ҳам салмоқли ишлар қилинганлигига гувоҳ бўлдик. Бадиий асарларнинг аудио шаклини яратиш учун махсус бўлим фаолият кўрсатади. Алоҳида ихчам студия ташкил қилиниб, у махсус асбоб-ускуналар, техника воситалари билан жиҳозланган. Аудио шакли яратилган асарлар кутубхонанинг расмий порталидан ([www.kasif.mkutub.gov.tr](http://www.kasif.mkutub.gov.tr)) автоматлаштирилган ахборот-кутубхона дастури воситасида кидирувни амалга ошириш, буюртма бериш, тинглаш имконияти яратилган. Бундай хизмат, аввало, жисмоний имконияти чекланган китобхонлар учун жуда қулай ҳисобланади, шунингдек, барча китобхонлар ҳам бу хизматдан бемалол фойдаланишлари мумкин. Асарларнинг аудио шаклини яратишда фақат кутубхоначи-мутахассисларгина эмас, балки охириги пайтда бу жараёнга кизиқиш билдираётган китобхонлар ҳамда кутубхоналар фаолиятида



ўзларининг турли ташаббуслари, фаоллиги билан иштирок этаётган кўнгиллилар ҳам қатнашаётгани мактовга сазовордир. Албатта, бу жараёни тўғри, профессионал даражада, аудиокитобларни яратишга қўйилган барча талабларни эътиборга олган ҳолда бажариш жуда муҳим. Чунки китобхонларнинг диди, идрок этиш қобилиятлари ҳар хил. Шунинг учун, ўз овозларини ёзиб қолидиришга интилаётган кўнгиллилар билан суҳбат ташкил қилинади, унинг нутқи раволиги, товуш диапозони, ҳис-туйғуларни етказиб бериши кутубхона экспертлари томонидан ўрганилиб, ҳулосага келинади.

Бир ҳафта давомида Туркия кутубхоналари билан танишув жараёни битта мақолада акс эттириб бўлмайди. Ҳулоса ўрнида айтиш мумкики, бизнинг ахборот-кутубхона муассасаларимизда ҳам кутубхона фондларидаги ресурслар хилма-хиллигини кўпайтириш керак. Бизда унчалик урф бўлмаган хатлар, фотосуратлар, кундалиқлар, картиналар ва ҳоказоларнинг жамланmalarини кутубхоналарда тўплаш ва саклашни амалиётга жорий этиш ахборот-кутубхона муассасаларининг имижини ва обрўини янада ошишига олиб келади. Китобхонлар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фондларда мавжуд адабиётлардан аудио китоблар яратиш орқали хизмат кўрсатишнинг янги шакллари татбиқ этиш, масофадан хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, йирик кутубхоналарда “реставрация ва консервация” бўлимларини очиш, кутубхоначилик соҳасида қабул қилинган халқаро стандартлардан, меъёрлардан фойдаланган ҳолда ишларни ташкил қилиш мамлакатимиз кутубхоналари фаолиятининг барча йўналишларини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади.